

ОММАВИЙ ТАРТИБСИЗЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

Аҳмадов Абдурахмон Ашраф ўғли

Олмазор тумани ИИО ФМБ тергов бўлими суриштирувчиси

Рўзиев Алишер Бобирович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 307-гуруҳ курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14504378>

Аннотация.

Ушбу мақолада оммавий тартибсизлик жиноятларининг криминологик жиҳатлари, унинг ижтимоий-ҳуқуқий асослари, содир бўлиш сабаблари ва шарт-шароитлари таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур жиноятларга қарши кураш чоралари ва уларнинг олдини олишга қаратилган тавсиялар баён этилган.

Таянч тушунчалар: оммавий тартибсизлик, жиноятнинг юридик тавсифи, ижтимоий-иқтисодий омиллар, сиёсий беқарорлик.

CRIMINOLOGICAL ASPECTS OF PUBLIC DISORDER CRIMES

Annotation.

This article analyzes the criminological aspects of mass disorder crimes, its social and legal foundations, causes and conditions of their occurrence. Also, measures to combat these crimes and recommendations aimed at their prevention are described.

Basic concepts: public disorder, legal definition of crime, socio-economic factors, political instability.

КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СВЯЗАННЫХ С НАРУШЕНИЕМ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА.

Аннотация.

В данной статье анализируются криминологические аспекты преступлений, связанных с массовыми беспорядками, их социальные и правовые основы, причины и условия их возникновения. Также описаны меры борьбы с этими преступлениями и рекомендации, направленные на их предотвращение.

Основные понятия: общественные беспорядки, юридическое определение преступности, социально-экономические факторы, политическая нестабильность.

Оммавий тартибсизлик жиноятлари жамиятда беқарорликни ва ижтимоий тартибсизликни келтириб чиқаради. Бу турдаги жиноятлар нафақат муайян фуқароларнинг қонуний манфаатларига, балки давлат тузуми ва жамоат хавфсизлигига таҳдид солади. Шу сабабли, оммавий тартибсизлик жиноятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш барча даврларнинг энг долзарб мавзуларидан бири ҳисобланади.

Оммавий тартибсизлик жиноятларининг криминологик таҳлили ушбу ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий табиати, содир этиш сабаблари ва уларни амалга оширишга имкон берувчи шарт-шароитларни ўрганишни ўз ичига олади. Аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи, маънавий қадриятларнинг заифлашуви, турли

экстремистик ғояларнинг таъсири оммавий тартибсизликларга олиб келувчи асосий омиллар сирасига киради. Шу билан бирга, мазкур жиноятларнинг олдини олиш учун профилактик чораларни жорий этиш заруратини ўзида мужассам этади.

Статистик маълумотлар таҳлили 2019-2023 йиллар оралиғида дунё бўйлаб оммавий тартибсизликлар сони ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Масалан:

Мазкур даврда жаҳон бўйлаб ҳар йили ўртача 600 дан ортиқ оммавий отишмалар қайд этилган. Жамоат жойларида содир этилган оммавий отишмаларда уч ва ундан ортиқ қурбонлар бўлган ҳолатлар тахминан 12 тани ташкил этган. АҚШда ҳар йили ўртача 51 нафар шахс оммавий отишма қурбонига айланади¹.

Жиноятчиларнинг 98% улуши эркаклардан иборат бўлиб, ўртача ёши 34 ни ташкил этади. Жабрланувчиларнинг 70% қисми жиноятчи билан аввал таниш бўлгани кузатилгани оммавий тартибсизликларнинг шахсий мотивлар билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.²

Мазкур отишмаларнинг 77% ҳолатда оммавий отишмаларда қўлланилган қуроллар пистолетлар бўлиб, 25% автомат қуроллардан фойдаланилган. Шунингдек, 77% қуроллар қонуний йўл билан сотиб олинган, 13% ноқонуний йўл билан олинган ва 19% ўз оила аъзоларидан ўғирланган қуроллар бўлган.

Шунингдек, жаҳонда 2019 йилдан 2020 йилгача ҳар тўрт кунда бир марта янги йирик намоиш рўйхатга олинган³, 2009-2019 йиллар давомида оммавий тартибсизликлар ва намоишлар сони йиллик 11.5% ўсиш тенденциясини кўрсатган⁴.

Содир этиш сабаблари ва шарт-шароитлари

Оммавий тартибсизликларнинг содир этилишига сабаб бўлувчи омиллар бир неча тоифага бўлинади:

биринчидан, ижтимоий-иқтисодий омиллар - аҳолининг даромадлари ўртасидаги катта фарқ⁵, ишсизлик даражасининг юқорилиги ва ижтимоий адолатсизлик туфайли пайдо бўладиган норозилик жиноятларга замин яратади⁶;

иккинчидан, сиёсий муҳитдаги беқарорлик ва давлат бошқарувининг сустлиги;

учинчидан, маънавий ва маданий қадриятларнинг заифлашуви, ёшлар орасида экстремистик ғояларнинг тарқалиши⁷;

тўртинчидан, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва уларда қатнашишнинг соддалаштирилган ҳуқуқий механизмнинг мавжуд эмаслиги⁸;

¹ COMPREHENSIVE DATABASE OF MASS SHOOTERS RELEASED FOR PUBLIC USE <https://www.theviolenceproject.org/wp-content/uploads/2021/05/The-Violence-Project-Mass-Shooter-Database-For-Immediate-Release.pdf>

² Public Mass Shootings: Database Amasses Details of a Half Century of U.S. Mass Shootings with Firearms, Generating Psychosocial Histories <https://nij.ojp.gov/topics/articles/public-mass-shootings-database-amasses-details-half-century-us-mass-shootings>

³ CARNEGIE endowment for international peace <https://carnegieendowment.org/?lang=en>

⁴ CSIS – The Age of Mass Protests <https://www.csis.org/>

⁵ Абдуллаев Ф., Шамсиддин Ш. Ш. ҲОЗИРГИ КУНДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНING ЖАМИЯТДАГИ ИЖТИМОЙИ-ҲУҚУҚИЙ ЎРНИ //Молодые ученые. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 113-115.

⁶ Абдуллаев Ф., Шарифжонов Ш. Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва илгари ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан амалга ошириладиган якка тартибдаги профилактик чораларга доир хорижий давлатлар конунчилиги //Молодые ученые. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 116-120.

⁷ Абдуллаев Ф., Шамсиддин Ш. Ш. ҲОЗИРГИ КУНДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНING ЖАМИЯТДАГИ ИЖТИМОЙИ-ҲУҚУҚИЙ ЎРНИ //Молодые ученые. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 113-115.

бешинчидан, аҳолининг этник, миллий ва диний келиб чиқиши натижасида юзага келадиган низолар оммавий тартибсизликларни қўзғатувчи омиллардан саналади⁹.

Бундай ҳолларда жиноятчиликни олдини олиш учун жамиятда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, таълим даражасини ошириш ва ёшларни маърифатли тарбиялаш ҳамда оммавий тадбирларни ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боисдан, оммавий тартибсизликларнинг олдини олишга доир стратегик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш лозим. Бунинг учун давлатда ёшларни маърифатли қилиб тарбиялаш, экстремистик ғояларга қарши иммунитет ҳосил қилиш учун таълим дастурларини кучайтириш¹⁰, Жамоатчилик орасида маданий ва маънавий кадриятларни тарғиб қилиш¹¹, Оммавий тадбирларни ташкил қилиш ва уларни қонуний асосда ўтказишнинг янгича ҳуқуқий механизмларини яратиш, оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган стратегия ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

References:

1. COMPREHENSIVE DATABASE OF MASS SHOOTERS RELEASED FOR PUBLIC USE <https://www.theviolenceproject.org/wp-content/uploads/2021/05/The-Violence-Project-Mass-Shooter-Database-For-Immediate-Release.pdf>
2. Public Mass Shootings: Database Amasses Details of a Half Century of U.S. Mass Shootings with Firearms, Generating Psychosocial Histories <https://nij.ojp.gov/topics/articles/public-mass-shootings-database-amasses-details-half-century-us-mass-shootings>
3. CARNEGIE endowment for international peace <https://carnegieendowment.org/?lang=en>
4. CSIS – The Age of Mass Protests <https://www.csis.org/>
5. Абдуллаев Ф., Шамсиддин Ш. Ш. ҲОЗИРГИ КУНДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЎРНИ // Молодые ученые. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 113-115.
6. Абдуллаев Ф., Шарифжонов Ш. Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва илгари ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан амалга ошириладиган якка тартибдаги профилактик чораларга доир хорижий давлатлар қонунчилиги // Молодые ученые. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 116-120.
7. Абдуллаев Ф., Шамсиддин Ш. Ш. ҲОЗИРГИ КУНДА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ИЖТИМОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЎРНИ // Молодые ученые. – 2023. – Т. 1. – №. 7. – С. 113-115.

⁸ Водолазский Р. В. К ВОПРОСУ УТОЧНЕНИЯ ПОНЯТИЯ ОРГАНИЗАЦИИ МАТЕРИАЛЬНО-ТЕХНИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ ПРИ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ ОБСТОЯТЕЛЬСТВАХ //ИННОВАЦИИ. – №. 42. – С. 282-286.

⁹ Рахимов Б. БИР ГУРУҲ ШАХСЛАР БЕЗОРИЛИГИ УЧУН ЎБЕКИСТОН ССР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА БЕЛГИЛАНГАН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2024. – Т. 4. – №. 1. – С. 21-26.

¹⁰ Зиёдуллаев М. З. Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимлари: тарихи, бугуни ва хориж тажрибаси: Ўқув қўлланма //Т.: ЎзР ИИВ Академияси. – 2015.

¹¹ Зиёдуллаев М. Жамоат тартиби” ва “Жамоат хавфсизлиги” тушунчаларининг моҳияти ҳамда ўзаро боғлиқлиги //Ҳуқуқий тадқиқотлар журналі.–2018. – 2018. – Т. 7.

8. Водолазский Р. В. К ВОПРОСУ УТОЧНЕНИЯ ПОНЯТИЯ ОРГАНИЗАЦИИ МАТЕРИАЛЬНО-ТЕХНИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОРГАНОВ ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РОССИЙСКОЙ ФЕДЕРАЦИИ ПРИ ЧРЕЗВЫЧАЙНЫХ ОБСТОЯТЕЛЬСТВАХ //ИННОВАЦИИ. – №. 42. – С. 282-286.
9. Рахимов Б. БИР ГУРУҲ ШАХСЛАР БЕЗОРИЛИГИ УЧУН ЎБЕКИСТОН ССР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА БЕЛГИЛАНГАН ЖАВОБГАРЛИКНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ТАҲЛИЛИ //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2024. – Т. 4. – №. 1. – С. 21-26.
10. Зиёдуллаев М. З. Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш тизимлари: тарихи, бугуни ва хориж тажрибаси: Ўқув қўлланма //Т.: ЎзР ИИВ Академияси. – 2015.
11. Зиёдуллаев М. Жамоат тартиби” ва “Жамоат хавфсизлиги” тушунчаларининг моҳияти ҳамда ўзаро боғлиқлиги //Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали.–2018. – 2018. – Т. 7.

